ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

FarDU. ILMIY XABARLAR-

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.АКРАМОВА
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш 70
Ш.ЮСУПОВА
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида 73
Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ
"Интенсификация/деинтенсификация" концептуал семантикаси вербализатор-ларининг когнитив типологияси 75
Н.АЛИЕВА
Инглиз ва рус тилларидаги кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тилллараро корреспонденцияси 82
Қ.КАХАРОВ
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши 85

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ
Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш 88
З.БОБОЕВА, С.ЙЎЛДАШЕВА
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар 91
Р.ДЖАЛИЛОВА
Буюк тасвирий санъат усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни 94

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Н.МИРЗАКАРИМОВА
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари 96
Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА
Ўрта махсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш 98
М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш 100
Д.ҚОДИРОВА, С.ТЎХТАЕВ
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси 102
Н.ЖЎРАҚЎЗИЕВ
"Хуастуанифт"да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар 105
Д.ТЕШАБОЕВ
"Маснавий ҳикматлари" асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши 107
З.АКБАРОВА
Тил ва унинг функциялари ҳақида 109
З.САЛАХИДИНОВА
И.С.Тургенов прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси 111
Н.ҚАРШИЕВ
Қоракўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар 113
Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш 115
Б. СОТВОЛДИЕВ
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти 116
Г.ЙУЛДАШЕВА
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари 118
Д.НУРАЛИЕВА
Оилага психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш 121

ХОТИРА

Наримон Нурматович ҚОРИЕВ 124

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография 125

УДК: 4+591.477

ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАРИНИНГ ТУР ВА НАВЛАРИНИ АНГЛАТУВЧИ АТАМАЛАР

Н.Қаршиев

Аннотация

Она тилимиздаги терминларни тўплаб, илмий муомалага киритиш ушбу куннинг муҳим масаласи ҳисобланади. Мақолада қоракўл териларининг турлари ва навлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тери турлари ва уларнинг хоссалари, ушбу кунда уларнинг номланиши ва айримларида бўлган ўзгаришлар мисоллар билан келтирилган.

Аннотация

Сбор терминов узбекского языка в ведение в научный оборот является важным вопросом на сегодняшний день.В статье приведены своиства и наименования каракуля.

Annotation

Collecting terms in native language and apptication them in scintific sphere is one of the important task today. In this article materials about the characteristics and naming of types and sorts of caracul leather are given.

Таянч сўз ва иборалар: *тери турлари, тери навлари, навларнинг хоссалари, кумуш рангли қоракўл, сут рангли қоракўл.*

Ключевые слова и выражения: *виды кожи, сорта кожи, сорта кожи, каракуль молочного цвета, серебристый каракуль.*

Key words and expressions: *types and sorts of leather, pearly caracul, milky caracul, silvery caracul.*

Қоракўлчилик - терминлари ўрганилмаган муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Қоракўл териларининг тур ва навларининг хоссалари асосий мавзулардан биридир. Қоракўлчиликнинг асосий материали қоракўл қўзиларининг икки-уч кунлигида сўйиб олинган ва керакли ишлов берилган териси ҳисобланади. Ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам шундай маҳсулот асли ўзбекча термини–тери, қоракўл териларнинг турлари, навлари, классларини англаш мақсадида ишлатилади.

Маълумки, қоракўл қўйлар рангининг хилма-хиллиги билан бошқа қўй зотларидан фарқ қилади. Бундай қўйларнинг барраларидан турли хилдаги рангдор қўзилар (барралар) туғилади, шунинг учун ҳам уларнинг териси хилма-хил рангга эга бўлади. Қоракўл терилар ранги, катта-кичиклиги ва бошқа хусусиятларига қараб, муайян турларга ажратилади. Табиийки, уларнинг ҳар бири тегишли терминлар воситасида ифодаланади.

Қоракўл териларнинг турларини англатувчи терминлар. Ранг-тусидан қатъий назар, қоракўл қўзиларидан олинган териларнинг барча тури умумий бўлмиш *қоракўл* термини воситасида ифодаланади. Масалан: *қоракўлнинг* сифати, унинг товарлик қиймати жингалаклар, жун толалар ва териларнинг хилма-хил хоссаларига қараб белгиланади [1.45]. *Қоракўл* қоракўлчиликнинг асосий маҳсулотидир [2.50]. Мазкур терминнинг якка тарзда ҳам қўлланишини унинг ЎТИЛ-08 алоҳида мақола сифатида берилганлиги ва изоҳланганлиги билан ҳам тасдиқлаш мумкин.

Шу билан бирга, тегишли манбаларда *қоракўл қўзи, қоракўл тери* каби бирикма терминларнинг қўлланилганлигини кўриш мумкин. Мисоллар: а) *қоракўл қўзиларнинг* эмбрионал ривожланиши 145-150 кун давом этади; б) *қоракўл терилар* махсус майдончаларда – тагликларда тузланади [1.16,141].

Қоракўл терилар ранг-туси ёхуд бошқа хусусиятларига қараб, бир неча турга ажратилади. Булар қуйидагилардан иборат:

Тим қора: бутунлай қора ранг, ялтироқсиз, интенсив − қора пигментланган гуруҳга киради [III,98]. Манбаларда мазкур бирикма қисқартирилиб, *қора* тери ёхуд *қора қоракўл* шаклларида ҳам ишлатилган: Жакет типидаги *қора қоракўл* қўйларни урчитишда тип бўйича гомоген жуфтлаштириш усули қўлланилади [2.198].

Кўк қоракўл тери: Жакет сортига мансуб *кўк қоракўл териларда* толалар узунлиги нисбати билан тери ранг-баранглигининг ўзаро боғлиқлиги [1.100]. Бу ўринда ҳам мазкур бирикма юқоридаги каби тарзда қисқартириб ишлатилиши мумкин: *кўк қоракўлнинг* садаф ранглиси [IV, 433]. *Кўк қоракўл* нечоғли оч тусда бўлса, унда оқ толалар шунча кўп, қанча тўқ тусда бўлса, қора толалар шунча кўп

Н.Қаршиев – *СамДУ мустақил тадқиқотчиси.*

бўлади [3.99].

Сур ранг − жингалакдаги ҳар бир толанинг пигментлар бўйига қараб тақсимланганлиги билан характерланади. Шуниси борки, сур териларнинг хилма-хил турлари мавжуд. Бундай навли сур терилар қуйидаги терминлар билан аталган: *кумуш ранг, тилла ранг, жез ранг, настарин ранг, олмос ранг* ва б. [3.101].

Тўпланган материаллардан рангига кўра турларини англатувчи терминларни ясашда, қоракўл териларнинг юқорида қайд этилганларидан фарқли улароқ, бошқача ҳосил қилинганлигини ҳам кўриш мумкин. Бундай терминлар “нарса-предмет номи+рангли сўзи+қоракўл термини” андазаси асосида ясалган бўлиб, улар тегишли манбаларда ишлатиб келинган. Мисоллар: *Гавҳар рангли қоракўл, ҳаво рангли қоракўл, марварид рангли қоракўл, сут рангли қоракўл // бўр рангли қоракўл, садаф рангли қоракўл, гулигаз рангли қоракўл, каҳрабо рангли қоракўл, қўрғошин рангли қоракўл, чирвон рангли қоракўл, ва б*.

Шунингдек, тўплаган фактларимиз орасида шу тахлитдаги терминларнинг қоракўл терининг асли номини келтириш йўли билан ҳам турларни ифодаловчи терминлар ҳосил қилинганлиги маълум бўлди. Бундай терминлар “предмет номи+ранги сўзи+ тери ранги+қоракўл” қолипида ишлатилмоқда: *садаф рангли кўк қоракўл, кумуш рангли кўк қоракўл, пўлат рангли кўк қоракўл, ўрик гулли рангли кўк қоракўл, олмос рангли сур қоракўл, ялтироқ тошкўмир рангли сур қоракўл, бронза рангли сур қоракўл, шамчироқгул рангли сур қоракўл, платина рангли сур қоракўл, кумуш рангли сур қоракўл, сирень рангли сур қоракўл, каҳрабо рангли сур қоракўл* ва б.

М.Бўронов Қорақалпоғистононда сур териларнинг тур ва хиллари ҳақида қимматли маълумотлар келтириб, шундай мисолларни қайд этади: сур кырпьқ, қара сур, ақ сур, әрикгул сур, пахмақгул сур, имон сур, булий сур, авган сур, ширазы сур, ала сур.*Қорақалпоғ сури* термини изоҳида сур териларнинг *қамар, шабдар, чақир* каби турлари ҳам борлиги таъкидланган [4.210].

*Пўлат ранг кўк*терида оқ ва қора толалар узунлиги деярли тенг, уларда нормал ялтироқ оқ толалар миқдори сал кўпроқ бўлади [3.99].

Ҳаво ранг тери мутлақо оппоқ ва тим қора толалари етарлича яхши сифатли бўлган териларда вужудга келади[3.100].

Марварид ранг ҳам толалар сифати худди ҳаво ранг кўк теридаги каби бўлган териларда вужудга келади [3.100]

Қоракўлча: эмбрионал ривожланишнинг 127-135 кунлик босқичидаги ҳомилалар териси. Жун қоплами у ёхуд бу даражада муҳайяр (муар) гулли, аммо жингалаксиз [4.211].

Қоракўл-қоракўлча: Буғоз қоракўл совлиқларнинг 136-145 кунлик ҳомила (бола) териси [4.210].

Тақир // тақир тери: Чала туғилган қўзилардан шилиб олинган терилар ичида *тақирлари* ҳам учрайди.*Тақир терилар* гулсиздир [5.57].

Антик: камдан-кам учрайдиган ноёб рангли сур қоракўл тери [4.31].

*“Нозикча”*тери: терисининг мағзи юпқа, бўйин жуни майин, сертивит, калта, кичик-кичик кокилчали тери [4.339].

“Гўлак-қоракўлча”: 130 кунлик бўлганда иккиламчи оқимлар терининг деярли бутун сатҳини эгаллайди. Бу даврда “ёл гул” озми-кўпми кўзга ташлана бошлайди. Бу хил терилар “*гўлак-қоракўлча”*типига киритилади [1.36].

Кирпук: бу хил қаламигуллар[буралма] жакет I, Москва жакети, қалин жакет ва *кирпук* каби қоракўл типларида ярим доирасимон қалам гул, ловия ва ёл гул билан биргаликда учрайди.

Хуллас, бошқа соҳа терминлари каби қоракўл тери тур ва навлари хоссалари тилимизнинг катта бойлиги ҳисобланади. Тадқиқотимизда ушбу ишнинг бир қисмини кўрсатиб ўтдик. Келгусида мавзуни кенгроқ тадқиқ этиш имкони мавжуд бўлади, деган умиддамиз.

Адабиётлар:

1. Зокиров М.Ж., Шарофиддинов Ф.Ш., Ҳамрақулов Д.Ю. Қоракўлшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1976.
2. Зокиров М., Валиев У., Ширинбоев Ш. Қоракўлчилик. – Т.: Ўқитувчи,1983.
3. Зокиров М.Д., Атамуродов К.А., Ҳайдаров Я.Х. Ҳайвонлар хом ашёси товаршунослиги. – Т.: Эльдинур, 1999.
4. Зокиров М., Хачатурова Л., Юсупов С. Чорвачилик терминларига оид русча-ўзбекча луғат. Маълумотнома. − Т.: Меҳнат, 1990.
5. Раҳимов А. А. Қоракўлчилик. – Т.: Ўқитувчи, 1967.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).